



КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ АГЕНТЛИГИ ФАОЛИЯТИНИ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШГА ОИД ТАКЛИФЛАР

Бойсинов Зафар Бойсинович

Хуқуқни муҳофаза қилиши академияси магистранти

Tel: +998 91 187 00 55

**Аннотация:** Мазкур тесизда коррупцияга қарши курашии агентлиги фаолиятини такомиллаштиришига оид таклифлар ишлаб чиқилиб, тизимлаштирилган.

Калит сўзлар: коррупция, тизимли ислоҳотлар, институционал асослар, пораҳўрлик, маҳсус ваколатли давлат органи.

**Аннотация:** В статье разработаны и систематизированы предложения по совершенствованию деятельности Агентства по противодействию коррупции.

**Ключевые слова:** коррупция, системные реформы, институциональные основы, взяточничество, специально уполномоченный государственный орган.

**Abstract:** In this thesis, proposals for improving the activity of the anti-corruption agency have been developed and systematized.

**Key words:** corruption, systemic reforms, institutional framework, bribery, specially authorized state body.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда коррупцияни олдини олиш ва унга қарши курашиш тизимининг ташкилий-институционал базаси яратилиб, норматив-хукуқий асослари тизимли равишда такомиллаштирилиб борилмоқда.

Давлат органлари ва ташкилотларида Очиқлик индекси, коррупцияга қарши курашиш ишларининг самарадорлигини рейтинг баҳолаш, коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш ва баҳолаш, норматив-хукуқий хужжатлар ва уларнинг лойиҳаларини коррупцияга қарши экспертиздан ўтказиш тизимлари жорий этилди, коррупциявий хавф-хатарларнинг олдини олиш бўйича “Е-Антикоррупция” лойиҳаси ишга туширилди.

Шу билан бирга, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, шу жумладан Корабалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгashi, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, давлат унитар корхоналари ва муассасалари, давлат улуси 50 фоиздан юқори ташкилотларда “комплаенс назорат” тузилмалари фаолияти йўлга қўйилди.

Фуқароларнинг коррупция ҳақида тезкор хабар бериш имконини берувчи «E-Anticor.uz» электрон платформаси ҳамда Call-марказ ишга туширилди, коррупцияга оид ҳукуқбузарликлар тўғрисида хабар қилган шахсларни ва уларнинг яқин қариндошларини ҳимоя қилиш ҳамда рағбатлантириш тартиби жорий этилди.

Эътиборлиси, 20 га яқин халқаро ташкилот ҳамда 22 та ривожланган давлатнинг коррупцияга қарши курашиш идоралари билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик алоқалари йўлга қўйилди.





## TANQIDIY NAZAR, TAHLILIY TAFAKKUR VA INNOVATSION G‘OYALAR



Кўрилган чоралар натижасида жамиятда коррупцияга муросасизлик мухити шаклланиб, “Transparency International”[1], TRACE bribery Matrix [2], “World Justice Project”[3] ва “Open Data Inventory”[4] халқаро рейтинг ва индексларида мамлакатимизнинг ўрни йилдан йилга юқорилашишига эришилди.

Эришилган натижаларни шунингдек, мамлакатимизнинг коррупцияга қарши курашишда халқаро рейтинг ва индекслардаги ўрнини мустаҳкамлаш, Коррупцияга қарши курашиш агентлигининг (кейинги ўринларда – Агентлик) чинакам **Конституциявий мустақил ваколатли орган** сифатида мавқеини ошириш, шунингдек, “Ўзбекистон — 2030” стратегиясида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида алоҳида Президент хужжати лойиҳасини ишлаб чиқиш ва унинг ижроси бўйича тизимли механизмларни йўлга қўйиш мақсаддан ҳоли бўлмайди.

Шунингдек, мазкур хужжатда қўйидаги механизмларни ўз ичига олган қоидалар билан бойитиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Хусусан,

– БМТ Коррупцияга қарши конвенцияси ҳамда коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги халқаро стандартлар бажарилишини мониторинг қилиш бўйича Электрон платформани ишга тушириш;

Бунда, БМТ Коррупцияга қарши конвенцияси ва халқаро стандартларнинг бажарилиши тўғрисидаги **ҳисоботлар** ҳамда фуқаролик жамияти институтлари томонидан тайёрланган муқобил ҳисоботларнинг жойлаштириш имконини берувчи тизимли ислоҳотларни амалга ошириш зарур.

– Агентлик ҳар 2 йилда ҳудудлар, иқтисодиёт тармоқлари ва бошқа соҳалар кесимида коррупциянинг даражасини баҳоловчи Коррупцияни қабул қилиш миллий индексини тузиш ишларини ташкиллаштириш;

Бунда, Миллий индекс натижалари Коррупцияга қарши курашиш миллий кенгаши йиғилишида тегишли давлат органлари ва ташкилотларининг биринчи раҳбарлар иштирокида танқидий мұхокама қилиниб коррупция даражаси юқори баҳоланган ҳудуд ва соҳаларда бўйича чора-тадбирлар дастурлари тасдиқланишини инобатга олиш.

– Агентлик тузилмасининг мавжуд штат бирликлари доирасида юридик шахс ташкил этмаган ҳолда **“Хавф-таҳлил маркази”** фаолиятини йўлга қўйиш;

Марказнинг асосий вазифалари этиб қўйидагиларни белгилаш:

коррупция хавфларини соҳа, ҳудуд, давлат органи ва лавозимлар кесимида сегментлаш асосида коррупциявий хавф-хатарларни таҳлил қилиш, уларни камайтириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

Агентликка интеграция қилинган ахборот базаларидан фойдаланган ҳолда коррупция, шу жумладан манфаатлар тўқнашуви ҳолатларини автоматик аниқлаш имконини берувчи дастурий таъминотни яратиш;



## TANQIDIY NAZAR, TAHLILIU TAFAKKUR VA INNOVATSION G‘OYALAR



Агентлик билан давлат органлари ва ташкилотларининг коррупцияга қарши ички назорат тузилмалари (комплаенс-назорат) ўртасида реал вақт режимида ошкор этилиши қонун билан таъқиқланмаган маълумот алмашишни таъминлаш;

бюджет маблағлари, халқаро ташкилотлар ва хорижий давлатларнинг қарзларидан фойдаланиш, давлат активларини реализация қилиш ҳамда давлат харидлари соҳасида коррупцияга қарши автоматлаштирилган назорат тизимини жорий этиш;

коррупцияга оид хукуқбузарликлар содир этилишининг сабаб ва шартшароитларини аниқлаш ҳамда уларни бартараф этиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш;

норматив-хукуқий хужжатлар ва уларнинг лойиҳаларини коррупцияга қарши экспертизадан ўтказиш тизимини рақамлаштириш;

коррупцияга қарши курашиш фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган ахборот тизимлари, ресурслари ва бошқа дастурий маҳсулотларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

Агентликнинг ахборот тизимлари, ресурслари ва маълумотлар базаларини ривожлантириш, уларни бошқа давлат органларининг тизимлари билан интеграция қилиш;

Агентликнинг ахборот хавфсизлигига таҳдидларни ўз вақтида аниқлаш ва уларга қарши курашиш, ахборот хавфсизлиги талабларига риоя этилиши устидан назорат ва мониторингни амалга ошириш, ахборот тизимлари, ресурслари ва маълумотлар базаларини ҳимоя қилиш бўйича техник инфратузилмаларни жорий этиш ҳамда ривожлантириш.

– Агентликка коррупцияга оид хукуқбузарликларни ўз вақтида аниқлаш, уларга чек қўйиш, уларнинг оқибатларини, уларга имкон берувчи сабаблар ва шартшароитларни бартараф этиш, коррупцияга оид хукуқбузарликларни содир этганлик учун жавобгарлик муқаррарлигини таъминлаш чораларини қўриш мақсадида давлат органлари ва ташкилотларида **дастлабки ўрганиш** (коррупцион суриштирув) ўтказиш ваколатини бериш, юзага келиши мумкин бўлган коррупциявий хавфларни барвақт олдини олишга бевосита ёрдам кўрсатувчи механизм ҳисобланади;

– Очиқ маълумотлар сифатида жойлаштирилиши керак бўлган ижтимоий аҳамиятга молик маълумотлар рўйхати қуйидаги маълумотлар билан тўлдирилиши очиқ ва шаффоф хукumatни шакллантиришдаги давлат сиёсатининг асосий йўналишларидан бири ҳисобланади. Хусусан,

Таклиф этилаётган хужжат лойиҳасида очиқ маълумотлар сифатида жойлаштирилиши керак бўлган ижтимоий аҳамиятга молик маълумотлар сифатида қуйидагиларни кўрсатиб ўтиш керак:

Давлат органлари ва ташкилотлари томонидан ҳомийлик хайриялари тариқасида олинган пул маблағлари тўғрисидаги (мол-мулк, иш ва хизматлар ҳамда бошқа шаклда қўллаб-қувватлаш) маълумотлар;





## TANQIDIY NAZAR, TAHLILIY TAFAKKUR VA INNOVATSION G‘OYALAR



Устав фондида (устав капиталида) давлат улуси 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган хўжалик жамиятлари ҳамда давлат унитар корхоналари томонидан ҳомийлик хайриялари тариқасида берилган пул маблағлари тўғрисидаги (мол-мулк, иш ва хизматлар ҳамда бошқа шаклда қўллаб-қувватлаш) маълумотлар;

Жисмоний ва юридик шахсларнинг давлат харидлари соҳасидаги мурожаатларини кўриб чиқиши бўйича тузилган комиссия аъзоларининг маълумотлари (фамилияси, исми ва отасининг исми, иш жойи ва эгаллаб турган лавозими) ҳамда комиссиянинг алоқа маълумотлари (телефон, поча ва электрон манзиллари);

Давлат органлари ва ташкилотлари ходимлари томонидан хорижий хизмат сафарлари, халқаро ва бошқа расмий тадбирлар ҳамда Ўзбекистон Республикаси худудида ўтказилган халқаро ва бошқа расмий тадбирлар муносабати билан қабул қилиб олинган совгалар тўғрисидаги маълумотлар (қонунчиликка мувофиқ ўз хоҳиши ва ихтиёрига кўра тасарруф этилиши белгиланган совгалар бундан мустасно)ни киритиш мақсадда ҳоли бўлмайди.

Бу каби таклифлар асосида Президент даражасидаги хужжат лойиҳасини ишлаб чиқиши келажакда, Агентликнинг мустақиллиги ва у томонидан амалга оширилаётган функцияларнинг самарали ишлашига ёрдам беради.

### ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

- [1] Электрон манба. URL: <https://www.transparency.org/en/>
- [2] Электрон манба. URL: <https://www.traceinternational.org/trace-matrix>
- [3] Электрон манба. URL: <https://worldjusticeproject.org/>
- [4] Электрон манба. URL: <https://odin.opendatawatch.com/>

